

---

Марғилон шаҳар Тез тиббий ёрдам станциясига қарашли 2-шоҳобча биноси таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

“Фуқаролар ташаббуслари жамғармаси” ҳисобидан Марғилон шаҳар Тез тиббий ёрдам станциясига қарашли 2-шоҳобча биносини жорий таъмирлаш ташаббуси ғолиб деб топилиб, 600 млн.сўм маблағ ажратилган эди.

Ушбу маблағлар мақсадли сарф этилиб шоҳобча биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида республика Тез тиббий ёрдам маркази директори А.Гафуров, шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов, тиббиёт ходимлари ҳамда нурунийлар иштирок этишди.

Мазкур Тез тиббий ёрдам станцияси ҳудуддаги 7 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 34 мингдан зиёд аҳолига тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатиб келмоқда.

2023-05-06 14:41:49